

## Жиддада эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун махсус учрашувлар уюштирилмоқда



15:00 / 22.02.2019 1985

Қодирун лойиҳаси ва Жидда Қуръон ёд олиш уюшмаси томонидан ташкил қилинаётган ушбу учрашувларда Қуръони каримни ишорат билан ўргатиш ва ёзиш машқлари олиб борилмоқда, деб хабар беради an7a.com ахборот сайти.

Дастлабки учрашувда 50 нафар эшитиш қобилияти заиф бўлган киши иштирок этган. Уларга таълим бераётган ўқитувчилар Муҳаммад Абдурахмон Воҳидин машққа қатнашганларнинг кўпчилиги Қуръони каримнинг ўттинчидан порасини ёд олиб, Жидда Қуръон ёд олиш уюшмаси томонидан ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтганларини маълум қилган.

***Islom.uz*** портали таҳририяти